

Бақара сураси, 60-оят

09:25 / 08.09.2017 4488

Мусо ўз қавмини сероб қилишни сўраганида, «Асоинг билан тошни ур!» - деганимизни эсланг. Бас, ундан ўн иккита булоқ отилиб чиқди. Ҳар бир (авлод) одамлар ўз с ув ичиш жойини билиб олди. «Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар, ер юзида ёмонликда ҳаддан ошиб, бузғунчилардан бўлманг!» Бақара 60.

Бану Исроил юқорида зикр қилинган қақроқ чўл – саҳрода турганда, Мусо алайҳиссалом Аллоҳга дуо қилиб, ўз қавми – Бану Исроилни сероб қилишини, сув беришини сўради. Шунда Аллоҳ у кишининг дуоларини ижобат қилди ва:

«Асоинг билан тошни ур!» – деди.

Яъни «Эй Мусо, қўлингдаги ҳассанг билан тошни ур», – деб буюрди. Мусо алайҳиссалом тошни урган эдилар,

«Бас, ундан ўн иккита булоқ отилиб чиқди. Ҳар бир (авлод) одамлар ўз сув ичиш жойини билиб олди».

Яъни Мусо алайҳиссалом асолари билан урган тошдан ўн иккита булоқ отилиб чиқди. Бану Исроил ўн икки қабиладан иборат эди, ҳар қабилага биттадан булоқ бўлиб, ҳар ким ўз сувига эга бўлди.

Энди Бану Исроил осмондан тушган манн ва беданани еб, тошдан чиқадиган сувни ичадиган бўлдилар. Шунинг учун оятнинг охирида:

«Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар...» – дейилмоқда.

Бундай пайтда Аллоҳга шукр қилиб, роҳат-фароғатда, яхшилик билан яшаш керак. Ёмонликлардан узоқ бўлиш лозим. Оятнинг охирида Аллоҳ таоло Бану Исроилга яна бир бор:

«...ёмонликда ҳаддан ошиб, бузғунчилардан бўлманг!» деб тайинламоқда.